АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барака тилаб, "Оила ва жамият" газетасига обуна бошланганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз деган умиддамиз.

Оила ва Жамият

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

39 (1294)-сон 28 сентябрь 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИ – ЎЗИМИЗНИНГ МАКТАБЛАР

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига 2015 йил 30 сентябрь куни йўллаган табриги соҳа ходимларини янги-янги марралар сари илҳомлантирган, Юртбошимиз таъбири билан айтганда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган чинакам фидойи муаллимлар, ўқитувчи ва домлалар қалбида ўз касбидан ғурурланиш, фахрланиш ҳиссини янада оширган эди.

"Ўз-ўзидан аёнки, биз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришни, юртимизда демократик давлат, обод ва фаровон жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун аввало айни шундай буюк ишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказмасдан туриб, бу йўлдаги барча-барча ҳаракатларимиз пучга чиқиши муқаррар эди. Бундан 18 йил олдин қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, шу соҳада амалга оширган бошқа кенг кўламли ишларимиз нафақат таълим-тарбия тизимини, балки бутун жамиятимиз ҳаётини кескин ўзгартириб юборгани, ижобий маънодаги "портлаш эффекти"ни берганига бугун яққол гувоҳ бўлмоқдамиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз", дейилган эди севимли Президентимиз табригида.

Мазкур "портлаш эффекти" самаралари бизнинг бугунги тараққиётимизда, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг ўз мактаблари ютуқларида ҳам ўз аксини топяпти. Ҳа, ғурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкинки, бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг дунё эътироф этаётган ўз мактаблари бор. Биз уларни ўзимизча қуйидагича таснифлаган бўлардик.

Биринчиси – улуғ аждодларимиз яратган бетакрор ибрат мактаби. Бу улуғвор мактабнинг не-не буюк намояндалари ҳали-ҳануз дунёни ҳайратга солиб келади. Улар қолдирган бой маънавий мерос қийматини дуру жавоҳирлар билан ҳам ўлчамоқ мушкул. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчию саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб, камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу беназир мактаб мустақил Ватанимиз эришаётган бугунги оламшумул ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

(Давоми 2-бетда)

Ушбу сонда:

УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Азим СУЮН шоир:

Уйимизга бир муаллим келиб, мени ўзи билан мактабга олиб кетди. Илм олиш, китоб ва мактаб ҳақида гапириб, мурғак юрагимда гўзал тасаввур, меҳр уйғотди. Мен мактабни яхши кўриб қолдим.

4-бетда

ГЎЗАЛЛИГИНГИЗ КАФОЛАТЛАНГАНМИ?



Татуаж вақтида оғриқни бартараф этувчи воситалар ҳаммага ҳар хил таъсир этади. Ундан сўнг терининг бир сутка давомида шишиб туриши, агар организмда герпетик вируслар бўлса, уларнинг яна ҳам авж олишига замин ҳозирлайди.

5-бетда

"АҚЛЛИ" ҲИСОБЛАГИЧЛАР

ёхуд масофадан бошқариладиган электр

Дунё бўйича ёқилғи-энергетика тақчиллиги кузатилаётганини яхши биламиз. Бу муаммо юксак тараққий этган давлатларни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Шукрки, саховатли заминимиз табиий заҳираларга бой. Мамлакатимизда бу соҳада изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Тизимга янги, замонавий технологиялар жорий этилаётир.

7-бетда

МАКТАБ ОШХОНАСИ

фарзандингизга маъқулми, сизга-чи?

8-бетда

Муассаса атрофида ўз "бизнеси"ни йўлга қўйган айрим "тадбиркор"лар болаларни сифатсиз маҳсулотлари билан чалғитмоқда.

ЭНГ МУҲИМИ, ДУНЁГА САБОҚ БЕРИШГА АРЗИГУЛИК ЯНА БИР МАКТАБИМИЗ БОРКИ, УНИ БИЗ БУЮК КЕЛАЖАККА ИШОНЧ МАКТАБИ ДЕБ АТАГАН БЎЛАРДИК.

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИ - ЎЗИМИЗНИНГ МАКТАБЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчиси – тинчлик мактаби. Мамлакатимизнинг минтақада ва жаҳонда тинчлик, барқарорликни таъминлаш, ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, тараққиёт кушандалари бўлган диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида мустаҳкам позицияга асосланган хайрли ташаббуслари дунёнинг манаман деган экспертлари томонидан эътироф этилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон жаҳон сиёсий майдонида ҳамиша Тинчлик ва Эзгулик элчиси сифатида намоён бўлмоқда.

Учинчиси – ўзига хос тараққиёт мактаби. "Ўзбекистонимиз, - дейилади Юртбошимизнинг юқоридаги табригида, – ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тарихан қисқа даврда, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва матонати билан дунё миқёсида "ўзбек модели" деб тан олинган, ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлини амалга оширганимиз ҳисобидан бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бораётгани барчамизга мамнунлик бағишлаб, яқин ва узоқ қўшниларимизнинг ҳавасини тортмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".

Бугун бунёд этилаётган мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасалари, уларда яратилаётган замонавий шарт-шароитларни оласизми, таълим тараққиётига киритилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги хайрли ислоҳотларни оласизми – барча-барчасида жаҳон аҳлининг ҳавасини келтирадиган даражадаги ютуқларимиз кўзга ташланади. Бу "ўзбек модели" деб аталган ўзига хос тараққиёт мактабимизнинг жаҳоншумул эътирофидир.

Тўртинчи мактаб – бу беназир бунёдкорлик мактабидир. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида вайронкорликлар, хунрезликлар давом этаётган бир пайтда Ўзбекистонимизда халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган улкан миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги-янги корхоналар, ижтимоий иншоотлар, турар жой бинолари қад ростлаяпти, йўллар, кўприклар қуриляпти. Айниқса, қишлоқларимизда намунавий лойиҳа асосида қурилаётган турар жойлар юрт кўркига кўрк бўлиб қўшилмоқда. Шунинг баробарида хориждан келган мутахассисларнинг қизиқишларига сабаб бўлаяпти...

Энг муҳими, дунёга сабоқ беришга арзигулик яна бир мактабимиз борки, уни биз буюк келажакка ишонч мактаби деб атаган бўлардик. Бу мактаб халқимизни истиқболдаги янги-янги марралар сари руҳлантириб туради.

Ўзбекистон мактаблари... Санайверсак, улар сони кўп. Истиқлол туфайли шаклланиб, равнақ топган бу мактабларни дунёга танитиб кетган ўз асосчиси бор. Шу боис бу мактаблар ҳали миллионлаб ўрганувчиларни оҳанрабодек ўз бағрига чорлайверади.

Нуриддин ЭГАМОВ

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Ўзбекистонда суд криминалистик экспертизасининг ривожланиш истиқболлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда кейинги йилларда амалга оширилган лойиҳалар, йўлга қўйилган экспертиза йўналишлари бўйича далил ва маълумотлар айтиб ўтилди.

– Марказимизда бир неча турдаги экспертизалар мавжуд бўлиб, ўтказилган барча тадқиқотлар биринчи навбатда инсон ҳуқуқларининг поймол бўлишининг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, – дейди "Хадича Сулаймонова" номидаги суд экспертиза маркази директори ўринбосари Абдумутал Закурлаев. –Бу йўналишда юртимизда барча имкониятлар яратилган. Мутахассисларимиз хорижий давлатларда малака ошириб, тажриба алмашмоқда. Адлия вазирлиги ҳузурида суд муаммоларини ҳал қилиш кенгаши ҳам мавжуд. Ўтган йили суд-сиёсатшуносликлингвистик экспертизасининг ташкил қилингани ҳам мазкур йўналишнинг янада равнақ топишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда республика суд экспертиза марказида 40 экспертиза тури бўйича фаолият олиб борилган бўлса, охирги икки йил давомида 4 тага, мутахассислик бўйича эса мавжуд 54 йўналиш сони 6 тага кўпайганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Анжуманда бугунги кунда экстремизм, терроризм асосида содир бўлаётган жиноятлар дунё давлатларини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири эканлиги таъкидланиб, уларга қарши соҳа ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Ширинхон МЎМИНОВА
"Оила ва жамият" мухбири

МАҲОРАТЛИ МУАЛЛИМА

Қорақалпоғистонлик Райҳон Абдуллаева мактаб остонасига қадам қўйган жажжи ўғил-қизларга бошланғич таълимдан сабоқ беради.

У Амударё туманидаги 2-умумтаълим мактабида 1999 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ўқувчиларга ҳарф танитиш, уларнинг интеллектуал қобилиятини ўстиришда янгича педагогик услублардан кенг фойдаланади.

– Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида ўқиш ва ўқитиш жараёни тубдан такомиллашди, – дейди Р.Абдуллаева. – Ёш авлод замонавий шароитларда, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда пухта билим эгалламоқда.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
олган сурат

УСТОЗНИНГ БАХТИ ШОГИРДЛАРИ КАМОЛИДА

Навоий шаҳридаги 12-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нозбика Эсонова 32 йилдан буён ёшларга математика фанидан сабоқ бериб келмоқда.

Муаллима ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик билан, янгича педагогик услублардан кенг фойдаланган ҳолда ёндашади.

– Устознинг бахти шогирдлари камолида экан, – дейди Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Нозбика Эсонова. – Ўқувчиларим билимлар беллашувлари, фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришаётганини кўрганимда касбимдан чексиз фахрланаман, ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли йўлда куч-гайратим янада ортади.

Сирож АСЛОНОВ олган сурат

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ УСТОЗИ

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 14-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Юлия Ҳафизова ёшларни спортга жалб этиш, уларни жисмоний лаёқатига кўра тўғри йўналтириш, истеъдодини юзага чиқаришда катта тажрибага эга мураббиялардан.

Изланувчан ва ташаббускор ёш педагог ушбу мактабда саккиз йилдан буён жисмонан соғлом, руҳан тетик авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиб келмоқда. Дарсдан ташқари гимнастика, баскетбол спорт турлари бўйича тўгарак машғулотларини самарали йўлга қўйган.

Жорий йилда Юлия Ҳафизова "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг мамлакат босқичида ғолибликни қўлга киритди.

Оқил ҒУЛОМОВ олган сурат

ТАЖРИБАЛИ МУРАББИЙ



Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Жаҳонгир Нормуродов ёшларга дзюдо сирларини пухта ўргатиб келаётган тажрибали устозлардан.

2003 йилдан буён ҳудудда ёшларни спортга жалб этиш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мураббий меҳнатларининг маҳсули Меҳржон Жумаев, Ислом Жуманов, Диёрбек Донабоев, Адҳам Бобоқулов, Беҳруз Абдуманнонов каби шогирдлари нуфузли мусобақаларда эришаётган ютуқларда намоён бўлмоқда.

Шерзод НАЗАРОВ олган сурат

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287- моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

НАМУНА – НАМУНАЛИ ПЕДАГОГ



Ёшларга замонавий таълим-тарбия бериш, навқирон авлодни баркамол воягa етказишда устоз-мураббийларнинг меҳнатини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ўғил-қизларимизнинг дунёни англаши, илм-фан сирларини пухта ўзлаштириши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашида заҳматкаш касб эгаларининг ўрни беқиёс.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида муҳташам таълим муассасалари қад ростлади ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Фан кабинетлари энг сўнгги ўқитиш воситалари билан жиҳозланиб, дарс жараёнларига илғор педагогик технологиялар татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида халқ таълими ходимларининг меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани, қўллаб-қувватланаётгани ўқитувчиларнинг янада фаол ишлаши, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўқитувчилар малакасини ошириш, замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада яхшилаш, педагогларнинг ўз устида ишлаши, изланиши ва дарсга илғор педагогик технологияларни жадал жорий этишда янги босқични бошлаб берди. Кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан илҳомланган Фарғона шаҳридаги 41-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Намуна Рустамова ҳам илғор педагогик фаолияти билан ҳамкасбларига ибрат бўлаётир.

Мактабда 1539 ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Дарслар замонавий таълим андозалари асосида, кўргазмали қурол ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда олиб борилаётир. Хорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса 1-синф ўқувчилари учун оғзаки нутқ, интерфаол ўйинлар тарзидаги инглиз тили сабоқлари болаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

...Мактабнинг 1-"А" синфида инглиз тили дарси. Муаллима Намуна Рустамова учинчи қаторда ўтирган ўқувчини мулоқотга тортди. Инглизчани меҳр билан ўрганаётган Жаҳонгир қаддини ғўз тутганича аввалига ўзини таништирди, сўнгра оиласи ҳақида сўзлаб берди. Яна чет тилида санашни ўргангани, ранглар, уй ва ёввойи ҳайвонлар, мева-сабзавотлар номларини ҳам билишини намоён қилди.

Телевизор, DVD, компьютер, сўзловчи алифбо ва бошқа тарқатма материаллар билан жиҳозланган синфхонада болалар инглиз тили муҳитида сабоқ олади. Машғулотлар нутқ ўстириш тарзида, атроф-муҳит ва боланинг ёшига мос мавзулар асосида олиб борилади. Болаларнинг инглиз тилида бийрон сўзлаётганини кўриб, ҳавасингиз келади.

– Юртимизда педагоглар меҳнати улуғланаётгани, ёшларга фан сирларини чуқур ўргатиш учун барча қулайликлар яратилаётгани бизни янада фаол, катта куч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда, – дейди Н. Рустамова. – Мактабимизда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шароит мавжуд. Кенг ва ёруғ синфхоналар замонавий усулда жиҳозланган, зарур кўргазмали қуроллар билан таъминланган. Бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

2008 йилда Фарғона давлат университетининг чет тиллар факультетини инглиз тили йўналиши бўйича тамомлаган ёш ўқитувчи дарсларни интерфаол усулда олиб боради. Инглиз тилида тайёрланган Ўзбекистон ҳақидаги тақдимот, шунингдек, юртимиз тарихи ва бугуни ҳақидаги услубий қўлланмалар ёш муаллиманинг изланишлари самарасидир. У дарс жараёнида қўшимча адабиётлардан кенг фойдаланади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади, мавзулар юзасидан болалар фикрини билишга интилади.

Тажрибали муаллима Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган "Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси" кўрик-танловида юқори натижага эришиб, жорий йил 8-22 январь кунлари Буюк Британиянинг "St. Mark & St. John" университетида тажриба алмашиб қайтди.

– Буюк Британиянинг Плимут ҳудудида жойлашган бир нечта ўрта мактаблар ҳамда тил ўргатиш марказларидаги таълим тизими билан таништдик, – дейди Н. Рустамова. – Дарсларни кузатар эканман, ўзимиздаги таълим тизими билан таққослашга ҳаракат қилдим. Эътиборлиси, юртимиз мактабларидаги чет тили кабинетларининг жиҳозланиши у ердагилардан ҳеч бир жиҳати билан қолишмайди. Бошланғич синф ўқувчиларимиз Буюк Британиядаги тенгдошлари фойдаланаётган шароитдан кам бўлмаган имкониятлар асосида таълим олаётганидан фахрландим.

Маъсуджон Сулаймонов,
Муқимжон Қодиров (сурат), ЎзА

МУАЛЛИМА

...Феруза туғма ўқитувчи. Одоби, босиқлиги, юз-кўзидан ёғилган нур, ҳеч кимдан меҳрини аямаслиги, фидойилиги, болаларга муҳаббати, билганини эринмай ўргатиши, хушмуомалалиги – ҳаммаси унинг туғма муаллима эканини кўрсатиб туради.

Ўқитувчилик унинг болалик орзуси эди. Қўшни қизалоқларни йиғиб дарс ўтиш, деворга ҳарфларни ёзиб, болаларга ўргатиш энг севимли машғулоти эди. Эрта турмушга чиқди. Бироқ орзуларидан воз кечмади. Турмуш ўртоғи Маъмуржон ва раҳматли қайнонаси уни қўллаб-қувватлади, болаларини тарбиялашга ёрдамлашди. Феруза уларнинг кўмаги билан Жиззах давлат педагогика институтини битирди. Мана ўн олти йилдирки, Жиззах туманидаги 14-мактабда ишлайди.

Феруза Неъматова мактаб жамоаси, ўқувчилари ўртасида ишонч ва меҳр қозонган муаллималардан. Шу пайтгача у ҳарф танитган шогирдлари орасида ҳаётда ўз йўлини топган турли касб эгалари бор.

Феруза ўйинчоқлар оламидан чиқиб келган болаларга тўрт йил сабоқ беради. Уларнинг қалбида илмга муҳаббат уйғотади. Одоб ахлоқли қилиб тарбиялайди, сўнг юқори синфга кузатиб қўяди. Ҳар бирининг одатлари, гап-сўзи, қилиғи ёд бўлиб кетган болажонларини бағридан юлиб, бошқаларга узатади. Феруза Неъматованинг битирувчилари ҳар доим талаш бўлади.

Фидойи муаллиманинг 16 йиллик тажрибаси, парталар аро кечган ўн олти йиллик умри, доска ёнидаги ҳаяжонли лаҳзалар бу – муаллима бахтининг излари.

Феруза дарсларини мультимедиа, суратлар, кўргазмали қуроллар воситасида ўтади. Унинг синфида ўттиз нафар ўқувчи бор. Ўттиз хил оиланинг нафаси уфуриб турган бир бутун жамоа. Кимгадир мақтов, кимгадир қатъий талаб, кимгадир ишонч яхши таъсир қилади. Муаллима "ёмон баҳо" оғриғини аввало ўз юрагидан ўтказади. "Бугун қониқарсиз баҳо олган ўқувчим эртага шу баҳога кўникиб қолмасмикан", деб изтироб чекади. Ўқувчи қалбидаги умидларни сўндиргиси келмайди. Устоз юрагидан шогирди қалбига туташган мингта йўлдан ўтмай, минг биринчи йўлни топишга уринади. Бу йўллар шарҳи бирорта қўлланмада ёзилмаган. Янги йўлни қобилиятли устознинг ўзи кашф қилади.

Хосият БОБОМУРОДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Тарбияда ўзимиз ибрат бўлдик

Ватан, ота-она ва устоз. Инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгиловчи бу тушунчалар олам ва одам, оила ва жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантиришга, инсоният камолотини таъминлашга хизмат қилади. Ватанни онага, устозни отага менгзашларининг сабаби ҳам шунда. Ушбу силсилада муаллимлик рутбаси ҳар доим юксак ва қадрли бўлиб келган.

Олтин Мирзақулов ҳамда Раъногон Ҳамдамова эл меҳрини қозонган муаллимлардан. Нафақат Қоракўлда, балки бутун Бухорои Шарифда бу оилани билмайдиган, уларга ҳавас қилмайдиганлар топилмаяти гўзал ушбу жуфтлик уч нафар ўғилни камолга етказиб, элга қўшди.

– Уч ўғлимиз – бебаҳо давлатимиз, – дейди улар. – Фарзандларимизнинг тарбияси ва илмли бўлиши бизнинг асосий мақсадимиз бўлди. Шукр, бугун орзулар ижобатидан мамнунмиз. Тўнғичимиз Толибжон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида ишлайди. Жаҳонгир инглиз тили ўқитувчиси. Кенжамиз Собитжон ЎзМУ биология факультети докторантурасида илмий иш билан шуғулланмоқда. Учала келинимиз ҳам ўқитувчи. Фарзандларимизнинг

биз хоҳлагандек инсон бўлиб етишишлари учун, аввало, уларга ўзимиз ибрат бўлдик. Бизнинг тарбия борасидаги сиримиз шу, холос...

Қаҳрамонларимиз эр ва хотин ҳамкасблигининг афзалликлари ҳақида узоқ гапирди. Бир-бирига ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиш завқидан, ютуқларини баҳам кўриб, севиниш гаштидан сўзлади. Фарзандларининг шогирдларини ўзларига "невара шогирд" деб билишларини гапираётган беғубор устозларга қараб кўнглингиз яйрайди. Уларнинг кўзларида порлаган севинч ва шукроналик нурларидан қалбингиз ёришади.

У. ТУРСУНОВА

са керак. Раъно опа асли андижонлик. Ўқитувчилар оиласида туғилиб камолга етган қизалоқни тақдир пойтахтга – Тошкент давлат университетига (ҳозирги ЎзМУ) етаклаб, шу ерда бўлажак турмуш ўртоғи Олтин Мирзақулов билан таништиради. Университетнинг тарих факультетида таҳсил олган ёшлар, келажак ҳаётларини никоҳ риштаси билан мустаҳкамлади. Қалби, ни-

ЭРИШГАН ҲАР БИР ЮТУҒИМДА СОДДА, САМИМИЙ ВА КАМТАРИН УСТОЗЛАРИМНИНГ ЮКСАК МЕҲНАТИ, РАҒБАТИ ЁТИБДИ.

УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Азим СУЮН шоир:

–Ҳаётда ёмон устоз бўлмайди, ёмон шогирд бўлиши мумкин. Ҳар қандай мураббий шогирдига яхши сабоқ беришга ҳаракат қилади. Шундай устозлар бўладики, инсоннинг ҳаётида ўчмас из қолдиради. Мен ана шундай устозлар ҳақида ўйлаганимда, биринчи ўқитувчим Қирқйигит Абдулҳакимовни эсга оламан ва ҳар сафар муаллимимнинг менга сингган хизматларини қадрлайман. Биринчи устозим менга нафақат ҳарф ўргатган, балки ҳаёт сабоқларини ҳам берган. Мен туғилиб ўсган қишлоқ тоғлар орасида жойлашган. У пайтларда мактаб нималигини билмасдик. 1957 йилнинг саратон ойлари... Мен тўққиз ёшли бола эдим. Уйимизга бир муаллим келиб, мени ўзи билан мактабга олиб кетди. Илм олиш, китоб ва мактаб ҳақида гапириб, мурғак юрагимда гўзал тасаввур, меҳр уйғотди. Мен мактабни яхши кўриб қолдим. Гарчи тенгдошларим билан эмас, ўзимдан бир-икки ёш кичик болалар билан ўқиган бўлсам-да, қалбимда ўқишга бўлган иштиёқ заррача сўнмади, руҳим чўкмади, муаллимларимнинг даъвати сабаб ўз устимда ишлашдан чарчамадим. Устозим Қирқйигит домла мени алоҳида эътибор билан ўқитар, бор куч-қувватини йилт этган қобилиятимни шакллантириш ва йўналтиришга сарфларди. Мактабимизда Саломхон устоз деган ўқитувчи бўларди. У киши гарчи математикадан сабоқ берса-да, адабиётни ниҳоятда қадрлар, шеърият ихлосманди эди. Энг қизиғи, ҳар бир дарсида математика билан бирга, адабиётдан ҳам сабоқ берарди.

Ҳаётим давомида жуда кўп устозларни учратдим. Улардан фақат ва фақат илм, яхшилик ва ҳаёт ҳақида улкан сабоқ олдим. Эришган ҳар бир ютуғимда содда, самимий ва камтарин устозларимнинг юксак меҳнати, рағбати ётибди. Мен барча устозларимдан миннатдорман ва ҳамиша юрагимда қарздорлик ҳиссини туяман.

Эркин Аъзам, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Устоз деганда аввало кўз олдимизга ҳарф танитган, ўқиш-ёзишни ўргатган мактабдаги ўқитувчи келади. Биринчи ўқитувчим Маъмура опа Тилакова бўлади.

Жаббор Эсонов деган ўқитувчимизни жуда яхши кўрардим. Кейинчалик устозим олий ўқув юртларида дарс бериб, таниқли олим бўлди. Жаббор Эсонов устозимиз менга бошқача нигоҳ билан қараб, астойдил қўллаб-қувватларди. Ҳаёт йўлида инсон кўп устозларнинг сабоғини олади. Атрофдагилар яхши иши билан ҳам, ёмон иши билан ҳам инсонга сабоқ бериб, устозлик қилиб боравершади. Менга тўғри йўл кўрсатган инсонларни ҳам, панд берган одамларни ҳам ўзимга устоз деб биламан. Бир сўз билан айтганда менинг устозим – мана шу муаззам ҳаёт!

Инсоннинг кимгадир ибрат бўлиши, яхшилик қилиши, қўллаб-қувватлаши устоз-шогирдликнинг ифодаси бўлса, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов менга устоз даражасида бўлган.

Инсон қандай мавқеда бўлмасин, ҳамиша самимий, беғараз насиҳатга, меҳрга муҳтож бўлади. Ёши ва касбидан қатъий назар хайрли ниятда менга маслаҳат берган инсонларни устоз мақомида кўриб, ҳурмат қиламан.

Раҳбархон Муртазоева, Ўзбекистон хотин-қизлар "Олима" уюшмаси раиси, профессор:

– Мана, Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) "Ўзбекистоннинг сиёсий тарихи" кафедраси базасида илк бора ташкил этилган факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедрасининг биринчи мудири сифатида фаолият кўрсатиб келяпман. Мазкур даврда кафедрамиз республикадаги турдош кафедралар орасида энг намунали ва юқори илмий салоҳиятли кафедрага айланишга улгурди. Ҳар сафар шу даргоҳга кирганимда илмий раҳбаримнинг менга меҳр билан ўргатган илму-ўгитлари ёдимга тушади. Устозим профессор Семён Гитленнинг раҳбарлиги остида "Байналминал тарбия, Ўрта Осиё Республикаларининг иқтисодий асослари" мавзусида илмий тадқиқот олиб бордим. У кишининг ҳар бир ишда мени қўллаб-қувватлаб тургани эндиликда ўз шогирдларимга ҳам ана шундай сабоқларни улашишимда пойдевор вазифасини ўтамоқда. Илмий раҳбарлигим остида 3 та докторлик ва 25 та номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Албатта бу устозимнинг менга берган билимлари юзага чиқаётганининг натижасидир. Умрим давомида устозимдан олган билимларимни оқлашга уриниб келдим ва ўйлайманки, бунинг уддасидан чиқяпман.

Олимжон Равшанов, кураш бўйича жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси:

– Спортга илк кириб келган кунимданоқ қалбимда устозим Мурод Дўсимбетовга ҳавас уйғонган эди. Ўшандаёқ унга ўхшаган мураббий бўлишга аҳд қилгандим. Бугун 50 дан ортиқ шогирдим бор. Уларга ўз тажрибамни, Мурод акадан олган сабоқларимни ўргатиб келяпман. Мураббий шунчаки спортчини эмас, чинакам чемпионни тарбиялашни олдига мақсад қилиши керак. У ҳар бир шогирдига алоҳида ёндашиши, уларнинг ҳар бирида етук курашчини кўриши лозим. Спорт бу фақат жисмоний машқ эмас. Тетик руҳ, қалб хотиржамлиги бўлмаса спортчи имкониятини тўғри йўналтириши қийин. Шу сабаб аввало руҳий тарбияга эътибор бериб, кейин жисмоний имкониятларини юзага чиқарамиз. Шогирдингизни шоҳсупада кўришдан ортиқ бахт йўқ. Бироқ, унгача қанча қийинчиликларни босиб ўтишга тўғри келади. Керак пайтлари устозим Мурод акадан йўл-йўриқ сўрайман. Шогирднинг мағлубияти мураббийига ҳам ёмон таъсир кўрсатади. Лекин нима бўлмасин, у шогирди қалбида ғалабага ишонч уйғота олиши лозим. Бизга ҳам мураббийларимиз шундай сабоқ берган.

Севара Каримова, бадиий гимнастика бўйича миллий терма жамоа мураббийи:

– Бадиий гимнастика билан шуғулланиш истагини билдираётган қизларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Шу маънода шогирдларим сони ҳам оз эмас. Бироқ бу спорт турида ҳам ҳар бир шахсга алоҳида ёндашув талаб этилади. Бразилиянинг Рио-де-Женейро шаҳрида бўлиб ўтган ёзги олимпиада ўйинларида шогирдим Анастасия Сердюкова бадиий гимнастиканинг яккалик баҳсларида иштирок этди. Аввало, бу нуфузли мусобақада қатнашишнинг ўзи ҳар бир мураббий учун катта бахт. Мураббий спортчи билан ишлаш жараёнида аввало унинг характерига эътибор бериши ва ҳар сафар турли вазиятларга ечим топиши керак. Баъзан шогирдимизни мақташимиз, ўрни келганда унга талабчан бўлиб, машқларни қайта ва қайта такрорлашга мажбур қилишимиз лозим. Энг муҳими мураббий бу машқларни нима учун кераклигини, ўз устида ишлашнинг муҳим жиҳатларини тўғри етказа билиши лозим. Қийинчиликлар ҳар доим бўлади, муҳими улардан қўрқмаслик ва олдинга қараб интилишдир. Бир вақтлар устозларимиз бизга ана шундай сабоқ беришган. Биз улар олдида қарздормиз. Ватанимиз шону шавкатини кўкларга кўтарадиган чемпионларни тарбиялаб, уларнинг бизга бахш этган меҳрини, эътиборини оқлашимиз керак.

Аброр Одилов, тарих фанлари номзоди, доцент:

– Устозим Раҳбархон Муртазоевадан нафақат илм-фан сир-асрорларини, балки ҳаёт, одамийлик сабоқларини ҳам ўргандим. Раҳбархон опа бағрикенг, ўзгаларга яхшилик қўлини чўзишдан чарчамайдиган, барчага тўғри йўлни кўрсатувчи инсон сифатида ҳурматимни, меҳримни қозонди. Устозимнинг йўл-йўриқлари, насиҳат ва кўрсатмаларига қулоқ солиб, кам бўлмадим. Илмий ишимни ҳимоя қилдим. Тарих соҳасида қатор илмий китоблар муаллифи бўлдим. Албатта, ютуқларимнинг барчаси устозимнинг таълим-тарбияси ҳосиласи деб биламан ва ўз навбатида юрагимда чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси жўш уради. Устоз ва мураббийлар байрами муносабати билан шу соҳа фидойилари билан бир қаторда ўз устозимни ҳам муборакбод этишни шараф деб биламан. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, УСТОЗИМ!

Музаффар Абдуазимов, хонанда:

– Онам 1-синфда ўқиб юрган пайтларим қўлимдан етаклаб маҳалламизда ташкил этилган рубоб тўгарагига олиб борган. Қўлимга илк маротаба рубоб тутқазган устозим Меликўзи Қурбоновдан санъатнинг барча сирларини ўргандим. Тўгарақдаги етти йиллик ўқиш, ўрганиш давомида нафақат рубоб чалиш сирларини, балки улкан ҳаётий сабоқни ҳам олдим, десам янглишмайман. Қўшиқчиликка бўлган қизиқишни ҳам устозим уйғотган. Болалигимда хонанда Дониёр Тошмуҳамедовнинг ижодини кузатиб, унинг қўшиқларини севиб тинглар ва хиргойи қилиб юрардим. Тақдир тақозосини қарангки, шу инсон менга устозлик қилиб, хонандаликнинг сир-асрорларини ўргатди. Истиқлолимиз арафасида "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил эсдалик нишони" билан тақдирланишим устозимнинг менга берган ўгитининг неъмати, меҳнатининг баҳоси деб биламан. Албатта бу ҳар қандай мақтовдан аълодир.

МИЖОЗ ГЎЗАЛЛИК САЛОНЛАРИДАН ФАҚАТ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТГАН ПРЕПАРАТЛАРНИ ИШЛАТИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛА ОЛИШИ КЕРАК.

Анча аввал оммавий ахборот воситаларида хитойлик киши фарзандлари ҳаддан ташқари хунук туғилгани учун рафиқасини судга бергани тўғрисида хабар тарқалган эди. Эркак кишининг шубҳа-гумонлари асосли бўлиб чиқади, ҳақиқатан ҳам рафиқаси юзини пластик жарроҳлик орқали ўзгартирган ва бу сирни турмуш қуришдан аввал яширган экан. Бу вазиятда кимга қандай чора кўрилди, билмадик-ку, аммо гўзалликка интилишнинг ҳам чегараси бўлиши керакмикин, деб ўйлаб қолади киши.

ГЎЗАЛЛИГИНГИЗ КАФОЛАТЛАНГАНМИ?

Тўғри, инсон бор эканки, гўзалликка, мукаммалликка интилади. Айниқса, кейинги йилларда аёлларда бу интилиш янада кучайганини гўзаллик салонлари ҳамда улардаги турли хизматларнинг кўпаяётганидан пайқаш қийин эмас. Бу бир томондан яхши. Сабаби, турмуш фаровонлиги ошгани сайин, инсон ташқи қиёфасига ҳам алоҳида эътибор қарата бошлайди. Аммо бундай эътибор инсоннинг соғлигига зиён етказса-чи... Ёки юқоридаги каби оилавий ҳаётига дахл қилса-чи?..

"Қош кўяман деб кўз чиқариб қўйдим"

Зарина Жумаева:

– Ёшим йигирма бирда, турмушга чиққанман. Яқинда бир дугонамнинг маслаҳати билан қошим ва лабимни татуаж қилдирдим. Салон ходими татуажда хориж, яъни АҚШдан келтирилган бўёқдан фойдаланишини айтиб, бунинг саломатликка ҳеч қандай зарари йўқлигини қайта-қайта таъкидлади. Бироқ бу жараён жуда оғриқли кечди. Татуаждан кейин юзимда шиш пайдо бўлиб, бир ҳафтагача кетмади. Салон ходимига мурожаат қилганимда, бу табиий ҳол эканлигини ва ўзи буюрган сурги доридан (тетрациклин) фойдалансам, бу ҳолат тезда ўтиб кетишини айтди. Тез орада юзимдаги шиш қайтди, аммо теримда турли тошмалар пайдо бўлиб, қошим тўкила бошлади. Лабимнинг табиий шакли бузилиб, хунук аҳволга келиб қолди. Сўнгра татуаждан қутулиш йўлларини қидира бошладим. Уни фақатгина лазер нури ёрдамида ўчириш мумкин экан. Бундай усулнинг терига салбий таъсири кучли эканини билганимдан сўнг бошим қотди. Қайнона-қайнотам ва эримнинг олдида уятга қолдим.

Американикими, Германияникими ёки Хитой?..

Биргина Чилонзор туманида мавжуд бўлган гўзаллик салонларининг деярли барчасида мижозларга татуаж, растишофка, қош териш ва бошқа қатор хизмат турлари кўрсатилади. Биз уларнинг ҳар бирини нархи билан қизиқиб кўрдик. Масалан, биргина татуаж нархи 85-100 минг сўм бўлса, баъзи жойларда ундан-да қимматроқ.

Умумий (қош, лаб, кўз) татуаж нархи 250-300 минг сўмдан ортиқроқ бўлар экан. Салон ходимларининг айтишича, татуаж бўёқлари асосан Америкадан, шунингдек, Германия ва Хитойдан келтирилади. Улар орасида АҚШники қолганларига нисбатан сифатли ва ундан чизилган татуаж узоқ вақт сақланар экан. Қайси салонга кирмайлик, уларнинг барчаси Америкада ишлаб чиқилган бўёқдан фойдаланишларини айтишди. Буни тасдиқловчи ҳужжат, яъни лицензияни сўрагани-мизда эса негадир улардан ҳеч қандай садо чиқмади.

Яна бир гап. Бир ампула бўёқ 80 минг бўлиб, бу бўёқнинг учдан бир қисми бир кишининг қошини татуаж қилишга етаркан. Хўш, қолган қисми нима қилинади? Худди биз ўйлагандек бўлиб чиқди. У албатта, ташлаб юборилмайди. Кейинги мижозлар учун ҳам ўша бўёқдан фойдаланилади.

Раъногон Жумабоева, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази коммунал гигиена бўлинмасининг олий тоифали санитария врачи:

– Тўғри, ҳар бир мижозга янги татуаж асбоби, игнаси ишлатилиши мумкин, аммо "қолдиқ бўёқ" таркибидаги инфекция игнага ўрнашиб, бошқа тери қаватига ўтади. Натижада бу турли инфекцияларни бир организмдан бошқасига ташийди ва соғлом одамда турли асоратли касалликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Татуажнинг эътибор қаратиладиган яна бир жиҳати бор. Усталар тайёр ҳолдаги бўёқларни сотиб олишади. Бу бўёқларнинг барчаси инсон организмида аллергик реакциялар пайдо бўлиш хавфини оширади.

Улуғбек Собиров, Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий маркази директори, олий тоифали шифокор- дерматовенеролог.

– Татуаж жараёнидан сўнг ҳар доим ҳам мижоз хоҳлаган ранг ҳосил бўлавермайди. Организмнинг қон айланиш тизими, тери пигментацияси, юз тузилишидаги ўзгарувчанлик бу ҳолатга таъсир қилади. Пардоз муолажаси оғриқли бўлиб, бир-икки соатга чўзилади. Тери остига юборилган бўёқлар эса 3 йилдан 10 йилгача, балки умрбод сақланади. Аммо унинг салбий оқибатлари узоқ йиллар давом этиши мумкин. Татуаж вақтида оғриқни бартараф этувчи воситалар ҳаммага ҳар хил таъсир этади. Ундан сўнг терининг бир сутка давомида шишиб туриши, агар организмда герпетик вируслар бўлса, уларнинг яна ҳам авж олишига замин ҳозирлайди. Айниқса, лабларга татуаж қилингач, унинг атрофида учуқ тошиш ҳоллари кўп учрайди. Герпес вируслари эса тезда қонга ўтиб, кейинчалик бошқа касалликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Қош татуажи туклар илдизини бутунлай йўқотиб, уларнинг тўкилишига олиб келади. Кўз ва қовоққа игна ёрдамида ишлов бериш энг мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур муолажа жуда оғриқли бўлиб, кўзнинг кўриш қобилиятини сусайишига олиб келади ва қовоқ терисига жиддий зиён етиши мумкин. Татуаж бўёғи таркибида саратонни юзага келтирувчи омиллар мавжуд. Бўёқлар ўзида симоб, сульфид, хром, кадмий, қўрғошин, титан, алюминий, кобалт каби зararли моддаларни сақлайди. Татуировка асбоблари билан гепатит В, С ҳамда ОИВ инфекцияси, сил, замбуруғли касалликлар ва бошқа инфекциялар юқиши ҳамда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Татуаж ёки татуировка чиздирган инсонларда гепатит С касалига чалиниш хавфи бошқаларга қараганда 9 баробар юқори бўлади.

Мулоҳаза

Икки хил жавоб...

Шаҳримиздаги гўзаллик салонларидан бирига гўё татуаж қилдирмоқчи бўлган мижоздек мурожаат қилдик. Салон ходимига қош, кўз ва лабимизни татуаж қилдирмоқчилигимизни айтганимизда у кўзни татуаж қилмаслигини, кўз терисининг жуда нозик эканини, бу салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, бизга ҳам тавсия қилмаслигини қатъий таъкидлади. Бошқа бир салон ходимаси эса гапимизни охиригача эшитмаёқ рози бўлди. Шу пайтнинг ўзидаёқ ишни бошлаб юборишга тайёр эканини билдирди. Кўзимизни татуаж қилишнинг зarари йўқми, деб сўраганимизда эса ўзига ишонч билан "бунинг ҳеч қандай зarари йўқ" деб жавоб берди.

Нилуфар Расулова, "Соғлом келажак" жамоат ташкилоти шифокор-дермотолог косметологи:

– Мамлакатимизда косметология шиддат билан ривожланмоқда. Косметологларнинг тиббий билимга эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Кўпинча эълонларга кўзимиз тушиб қолади: "Уч ойлик косметологларни тайёрлаш курси очилди, ўқиш нархи бунча". Мутахассис сифатида мазкур соҳани уч ой ичида ўрганиб бўлмайди, деб айтоламан. Афсуски, баъзи салонларда уч ойлик вируслари битириб, сертификатли бўлган ёш қизлар ишлаб келишмоқда.

Татуажда ишлатиладиган бўёқнинг қайси терига қандай таъсир қилишини соҳанинг ҳақиқий мутахассисигина яхши билади. Косметологияда ишлатиладиган бўёқларга келсак, улар албатта, лицензияга эга ва Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган бўлиши шарт. Мижоз гўзаллик салонларидан фақат давлат рўйхатидан ўтган препаратларни ишлатишини талаб қила олиши керак. Қолаверса, хотин-қизлар қандай косметологик хизмат туридан фойдаланишидан қатъи назар албатта шу соҳанинг етук мутахассиси билан маслаҳатлашиши лозим. Бунинг учун ҳозирда имкониятлар етарли.

Мавзуга доир фикр-мулоҳазалар аёлнинг гўзалликка интилиши меъёр, тиббий билим ва зукколик билан уйғунлашсагина яхши натижа бериши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Ахир гўзаллик комиллик билангина бутун, шундай эмасми?

Нигинабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Меҳрангиз ҒАНИЕВА

ГЎЗАЛ БЎЛИШГА ҲАҚЛИСИЗ

Эркиной Абжалилова, Хонобод шаҳридаги "Эркиной" гўзаллик салони раҳбари:

– Гўзаллик салонини 2002 йилда очган эдик. Тан олиш керак, хонободлик хотин-қизларнинг ишончини қозонишимиз осон бўлгани йўқ. Улар узоқ бўлса-да, Андижон шаҳридаги гўзаллик салонларини маъқул кўришар эди. Вақт ўтиб замонавий пардоз усулларини жорий қилиб, хизмат кўрсатиш сифатини оширдик. Шу тариқа доимий мижозларимизга эга бўлдик. Бугун қиз-жувонларимизнинг диди ҳам, талаби ҳам жуда юқори. Ана шу талаб даражасида хизмат кўрсатиш бизнинг вазифамиз.

Ойдиной Ҳожиева, Бўз туманининг "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Ойдин" гўзаллик салони раҳбари:

– Қишлоқ аёллари ҳам гўзаллик салонларига бориши, ўзларига мутахассислар кўмагида оро бериши керак, деб ўйлардим. Шу боис соҳа сир-асрорларини ўрганишга киришдим. Кейин эса маҳалла фуқаролар йиғини раиси кўмагида "Ойдин" гўзаллик салонини ташкил қилдим. Аёлларимизнинг ўзларига бўлган эътибори қувонарлидир.

Матлубахон Исмоилова, "Бўстон" МФЙ фаоли:

–Аёлнинг хунуги бўлмайди – ўзига қарамайдигани бўлади, холос. Қишлоқ аёллари ҳам чиройли бўлиб юришга ҳақли. Бунинг учун озгина эътибор кифоя. Бу оилаларнинг мустаҳкамлигига ҳам хизмат қилади. Шу боис хотин-қизларимиз учун нафи тегадиган хизмат турларини ташкил этмоқчи бўлган тадбиркорларни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келяпмиз.

Рўзғор юмушларига ўралашиб, ўзига қарай олмаётган қишлоқ аёли гул-гул яшнаб юрган шаҳар аёлларини телевизорда кўрса, албатта ўксинади. Унинг туман ёки шаҳар марказидаги гўзаллик салонларига боришга на вақти, на маблағи етарли эмас. "Қишлоғимизда ҳам гўзаллик салонлари бўлса, биз ҳам бунақа юрмаган бўлардик", деб ўйлайди у. Қишлоқларда ташкил этилаётган "Эркиной", "Ойдин" сингари гўзаллик салонлари хотин-қизларимизни қийнаётган бундай муаммоларга чек қўймоқда.

Зилола РАҲМОНОВА

ДАДАМНИНГ ИЗИДАН БОРАЁТГАНИМ – МЕНИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУҒИМ

Оталар ва болалар

Шерзод болалигида тез-тез касал бўлгани учун шифокорлар ота-онасига у спортнинг бирор бир тури билан шуғулланиши лозимлигини тавсия қилишди. Искандар ака беш яшар Шерзодни "Турон" якка кураши спорт секциясига олиб борди. Ушбу спорт тури болага ёқиб қолди. Спорт билан шуғулланган сари унда ўзига ишонч, қатъият пайдо бўлди. Мактабда аъло баҳоларга ўқий бошлади. Бир куни янги келган ўқитувчи ўқувчилар билан танишаётиб, уларнинг қизиқишлари, келажакда ким бўлишни исташларини сўради. Кўнгли беғубор орзуларга тўла кичкина Шерзод муаллимнинг саволига жавобан: "Мен дадамга ўхшаган ўқитувчи бўламан", дея жавоб берди қатъият билан. Фарзандларига юксак марралар сари интилишни ўргатган Искандар ака ўғлининг ўз изидан бориш истагини эшитиб хурсанд бўлди.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 18-мактаб директори Искандар Тожиев ўзининг кўп йиллик фаолиятини ўқувчиларга рус тили ва адабиётидан дарс беришга бағишлади. Рафиқаси Феруза опа ҳам кимё-биология фани ўқитувчиси. Фарзандлари Шерзод, Мадина, Беҳзод ота-она изидан борди. Искандар ака ота-онаси ва боболари ўқитувчи бўлганини, айни пайтда олтинчи авлод бу шарафли касбни давом эттираётганини фахр билан эътироф этди.

– Ота-онам узоқ йиллар ёш авлод таълим-тарбияси йўлида меҳнат қилишди. Биз фарзандлар қалбида ушбу шарафли касбга меҳр уйғотган ҳам ота-онам бўлади. Оиладаги муҳит бола келажаги учун муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ўғил фарзандни улғайтириш, уни ҳаётга тўғри тайёрлай билиш отанинг бурчи. Биласизми, ота фарзандига мақсадни катта қўйишни ўргатиши керак. Масалан, мен уларга сизлар мендан ҳам юқори натижаларга эришишингиз керак, деб ўргатаман. Афсуски, кўпчилик бунга аҳамият бермайди. Яқинда бир ўқувчимнинг отаси билан гаплашдим. Ота нуфузли лавозимда ишлайди. "Ўғлимнинг ўқиши шарт эмас, у ҳайдовчи бўлади" дейди. Мен унга "ўзингиз обрў-эътиборли инсонсиз фарзандингизнинг мақсадини бундан юқори қўймайсизми?" дедим. Яна бир бола дарсга қатнашмаётгани учун отаси билан суҳбатлашганимда: "Ўғлим қассоб бўлади", деди. Айрим оталар боланинг эртасини эмас, бугун яхши яшашини ўйлаётгани кўнглини оғритади кишининг.

– Мактабда ўқитувчининг ўзига хос таълим ва тарбия усули бор, бу борада оила ҳам ўз қоидаларига эга. Оила мактабида қандай муҳит яратилиши керак?

– Оила бу сизнинг зиммангизга икки баробар масъулиятни юклайдиган муқаддас маскан. Ўз оилангизда фарзандларингиз қобил, хонадонингиз обод бўлмаса, қандай қилиб ўзгаларнинг боласини тарбиялайсиз? Устоз деган номни оқлаш оиладан бошланади. Аслида минглаб болалардан кўра, ўз фарзандингизни тўғри тарбиялаш қийин, деб ўйлайман. Шу сабаб отамнинг ўгитлари сира ёдимдан чиқмайди. "Болам, қўлингдан келганча бошқаларга яхшилик қил", дерди. Инсон обрў-эътиборга билимидан ташқари, қилган эзгу амаллари билан ҳам эришишини ҳаётим давомида кўриб келаяпман. Оилада ҳам ана шу яхшиликни ва у билан боғлиқ тарбиянинг барча усулларини олиб бораман.

Суҳбатимизга Искандар аканинг ўғли Шерзод қўшилди.

– Ҳозирда Бектемир туманидаги 1-болалар ва ўсмирлари спорт мактабида директор ўринбосари лавозимида ишлайман. 2012 йилда ўқишни тамомлаган бўлсам, 6 йилдан бери шу касбда фаолият юритаяпман. Дадам яхшилик қилишни бизга ўргатиб, тушунтириб эмас, кўрсатиб келган. Болалигимда дадам билан бирга кўп юрганман. Ўшанда, ходимлар билан самимий муносабатларини, қаерда ўзини қандай тутиш ва муомала-ю муросани кўриб, ўрганганман. Дадамнинг ибрат мактаби бугунги фаолиятимда асқотмоқда.

– Ўқитувчининг фарзанди бўлиш қийин эмасми?

– Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Қаерда бўлманг мактабдами, коллеждами, олий ўқув юртидами сизга бошқача талаб қўйилишини ҳис қиласиз. Ҳар доим гарданингизда "ўқитувчининг боласи" деган масъулият туради.

Мактабда аъло баҳоларга ўқимаганман. Ҳар бир хатти-ҳаракатимда зиёли оилага муносиб бўлишга интилганман. Мактабни тамомлаб ҳуқуқшунослик йўналишида ўқидим. Бироқ менга кўпроқ спорт ёққани учун бокс билан шуғулланиб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кирдим. Ўқишни битириб ишга жойлашдим. Биласизми, ўғил тажрибани отадан олади. Ҳар доим отамнинг меҳри, эътибори мени қўллаб турганини ҳис этаман. Бирор ишни қилишдан аввал отам буни қандай ҳал қиларди, дея ўйлайман. Улардан маслаҳат сўрайман. Айниқса, спортчиларни тарбиялашда, чемпионларни улғайтиришда жисмоний тайёргарликдан ташқари педагогик маҳорат керак бўлади.

Ёш авлод таълим-тарбиясига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган бундай сулолалар – ўқитувчилар оилалари кўп юртимизда. От изини той босар, деганларидай, Шерзод ҳам отаси изидан бориб кам бўлмади. "Дадамнинг изидан бораётганим – менинг энг катта ютуғим", дейди Шерзод Тожиев.

Камола АДАШБОЕВА

ТАЪЛИМ СИФАТИ – САМАРАДОРЛИК АСОСИ

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таълим-тарбияга, ўсиб келаётган баркамол авлодни маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб улғайишига катта эътибор қаратиб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтарди. Биз таълим ходимлари Юртбошимизнинг "Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш деганидир", деган сўзларини бош ғоямиз деб биламиз.

Таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, ёш авлодга берилаётган билим, кўникма ва малакаларни сингдириш борасида Андижон шаҳар Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли таълим муассасаларида 2015-2016 ўқув йилида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Шу йилнинг июнь ойида ўтказилган "Билимлар беллашуви"нинг мамлакат босқичида шаҳримиздаги 1-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Лазизбек Мирзаев инглиз тили фани бўйича иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллагани барчамизни қувонтирди.

9-синфлар ўртасида ўтказилган "Фан олимпиадаси"нинг вилоят босқичида шаҳримиздан 51 нафар ўқувчи иштирок этиб, 13 нафари вилоятимиздаги нуфузли академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига имтиёзли қабул қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўқув семинарлари ўтказилгани ижобий самара берди.

Шаҳримиздаги 40 та таълим муассасаси замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Осиё-тараққиёт банки лойиҳаси асосида тўртта мактабимизда 2 тадан компьютер синфлари мавжуд. 7 та мактабимиз кластер синфларига эга.

Таълим муассасалари кутубхоналари фондини бойитиш мақсадида ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Ҳомийлар кўмагида мактаб кутубхоналарига бадиий, маънавий-маърифий йўналишдаги адабиётлар, дарсликлар, методик қўлланмалар ҳамда газета ва журналлар сотиб олинмоқда.

"Халқ таълими тизимидаги энг яхши веб-сайтлар – 2015" кўрик-танловининг вилоят босқичида шаҳримиздаги 35-мактабнинг расмчизмачилик фани ўқитувчиси Раҳимахон Солиева 3-ўринни эгаллади. Раҳимахон Солиева ҳамда 36-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Ҳодисахон Саматоваларнинг илғор тажрибаси мамлакат миқёсида оммалаштирилди.

Юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни барркамол инсон қилиб тарбиялаб вояга етказиш мақсадида турли ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликлар, одам савдоси ва унга қарши курашиш масалалари юзасидан йиғилишлар, давра суҳбатларининг ташкил этилаётгани бу борадаги кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида ҳам маънавий-маърифий ишлар салмоғи ортиб бормоқда. Барча мактабгача таълим муассасаларида "Зумрадойлар давраси" тўгараги фаолият юритаётгани қизалоқларимизда болалигидан маънавиятга, маданиятга, ўқиб-ўрганишга, рўзғор юмушларига бўлган қизиқиш ва кўникмаларнинг шаклланишига хизмат қилинаётир.

Мураббийлик – шарафли касб. Бу касбни танлаш жасорат. Жасоратли, ўз ишининг фидойиси бўлган инсонлар орамизда кўп. Биз таълим ходимларининг асосий вазифамиз – барча таълим муассасаларида ижодий муҳитни яратиш, таълим самарадорлиги учун қулай бўлган тизимни вужудга келтиришдан иборат. Биз таълим-тарбиямиз билан ёшларнинг маънавиятини, дунёқарашини, салоҳиятини юксалтира олсак – эртанги ёруғ манзиллар сари дадил қадам ташлаган бўламиз.

Ёрқиной НИШОНОВА,
Андижон шаҳар Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудираси

"АҚЛЛИ" ҲИСОБЛАГИЧЛАР

ЁХУД МАСОФАДАН БОШҚАРИЛАДИГАН ЭЛЕКТР

Халқимизда «Қарс икки қўлдан» деган гап бор. Уйимизда электр энергияси ва табиий газнинг узлуксиз бўлиши учун ундан тежаб-тергаб фойдалансак, хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширсак, соҳанинг янада ривож топишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Дунё бўйича ёқилғи-энергетика тақчиллиги кузатилаётганини яхши биламиз. Бу муаммо юксак тараққий этган давлатларни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Шукрки, саховатли заминимиз табиий заҳираларга бой. Мамлакатимизда бу соҳада изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Тизимга янги, замонавий технологиялар жорий этилаётир.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МАСОФАДАН БОШҚАРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 ноябрда қабул қилинган "Электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ электр энергияси истеъмолини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилмоқда. Бу электр таъминотини бир маромда ва ишончли бошқариш имконини беради. Мамлакатимизда замонавий электрон электр ҳисоблагичлар ўрнатилиши бошланади.

Ўзбекистонда 2019 йилнинг охиригача Осиё, Ислом ва Жаҳон банклари кредитлари ҳисобига электр энергия сарфини ҳисобловчи замонавий қурилмаларни ўрнатиш бўйича учта йирик лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 460 миллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил қилади. Натижада мамлакатнинг 9 вилоятида замонавий электр сарфи ҳисоблагичлари ўрнатилади. Бу ҳисоблагичлар реал вақт режимида операторларга электр энергияни узатиш ва ҳисоблашни назорат қилиш имконини беради.

МАЪЛУМОТ УЧУН

2015 йилда 326 хонадонга электрон ҳисоблагич ўрнатилди. 2016 йилда эса 350 мингга яқин хонадондаги ҳисоблагичларни автоматик тизимда ишлайдиганларига алмаштириш режалаштирилган.

Бугунги кунда мазкур тизим Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Ўтказилган халқаро тендер савдолари якунига кўра, Жанубий Кореянинг "KT Corporation" компанияси билан "Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида 0,4 киловаттга уланган истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш тизими" лойиҳасини амалга ошириш бўйича шартнома имзоланди. Лойиҳа раҳбари Ин Ки Кимнинг сўзларига кўра, мазкур йўналишдаги ишлар Ўзбекистонда интеллектуал электр тармоқлари технологияларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Хусусан, куннинг маълум бир вақтига асосланган янги тарифларни жорий қилиш имконияти пайдо бўлади. Кўп тарифли ҳисобга олиш тизими "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятига кун давомида фойдаланилаётган электр энергиясини тартибга солишга кўмаклашади.

Айни пайтда тажриба ўтказилаётган ҳудудларда сервер ускуналари ва ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. 2017 йил охирига қадар "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти Бухоро, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида 0,4 киловаттли электр таъминотидан фойдаланаётган маиший, тижорат ва саноат истеъмолчиларига 1 миллиондан ортиқ кўп функцияли ҳисоблагичларни ўрнатиш кўзда тутилган.

СИНОВЛАР НАТИЖАСИ

Мутахассисларнинг фикрича, синов тариқасида Қўқон шаҳри ва пойтахтимизнинг Бектемир тумани автоматлаштирилган тизимга уланиб, узатилаётган электр энергияси миқдорини аниқлаш, кўрсаткичларни масофадан ёзиб бориш, маълумотларни йиғиш каби барча ишларни автоматик бошқариш йўлга қўйилди. Натижада истеъмол миқдори камайиб, тўлов ошгани кузатилди.

КИМНИНГ ҲИСОБИДАН?..

Электр энергиясини етказиб бериш

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Қоидаларга мувофиқ, ҳисобга олиш приборлари истеъмолчилар маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат текширувидан ўтади ва ўрнатилади, етказиб берувчининг вакиллари томонидан рўйхатдан ўтказилади ва пломбаланади.

2009 йилдан бери индукцион турдаги ҳисобга олиш приборлари йил учун тасдиқланган режа-жадвалга кўра электрон ҳисобга олиш приборларига алмаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини такомиллаштириш ва истеъмол қилинаётган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳозирги пайтда истеъмолчилар – юридик ва жисмоний шахслардаги электр энергиясини ҳисобга олишнинг мавжуд приборларини алмаштириш ва замонавий электрон приборларни ўрнатиш "Ўзбекэнерго" ДАКнинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

НАВБАТИНГИЗНИ КУТМАСАНГИЗ...

Агар истеъмолчи алмаштириш навбати келишини кутмоқчи бўлмаса, уни навбатдан ташқари алмаштиришни сўраб ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Истеъмолчи оммавий алмаштириш пайтини ўтказиб юборганлиги сабабли ҳисоблагич алмаштирилмай қолган ҳоллар кўп учрайди. Бу ҳолда ҳам у ариза билан мурожаат этишга ҳақли, у бир ҳафта муддатда кўриб чиқилиши керак. Ҳисоблагич ариза берувчининг иштирокида ўрнатилади.

ҚОИДАБУЗАРЛАР ТЎЛАШГА МАЖБУР

ЭИҲНАТ тизимига илк бор уланадиган уйларда ҳисобга олиш приборлари бепул ўрнатилади. Бироқ бунинг шарти шуки, истеъмолчида ҳисоблагичлардан ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги (механик шикастланишлар ёки ҳисоблагичга таъсир ўтказиш, уланиш чизмасини ўзгартириш, пломбани узиш) аниқланмаган бўлиши керак. Агар мутахассислар томонидан қоидабузарликлар аниқланса, далолатнома тузилади ва ҳисобга олиш приборини алмаштириш билан боғлиқ барча харажатлар истеъмолчи ҳисобидан амалга оширилади.

Илгари ўрнатилган электрон ҳисобга олиш приборини шикастланган сабабли алмаштириш, шунингдек, узилган пломбани тиклаш учун истеъмолчи ҳақ тўлайди. Ҳисобга олиш приборларини ва ҳисобга олиш приборлари билан ишлатиладиган ўлчов трансформаторларини қайта ўрнатиш ва алмаштириш ҳам истеъмолчи ҳисобидан бўлади.

ҚАРЗИНГИЗ БЎЛСА...

Агар индукцион ҳисоблагични электрон ҳисоблагичга алмаштириш пайтида истеъмолчининг қарзи бор бўлса, у эски ҳисоблагич кўрсаткичларига кўра уни тўлаши шарт. Агар фойдаланилмаган олдиндан тўлов борлиги аниқланса, эквивалентдаги киловатт миқдори ўтказилиб, янги ҳисоблагичда ҳисобга олинади.

БИЛАСИЗМИ?

Юридик шахслар 2 йилда 1 марта, жисмоний шахслар 4 йилда 1 марта ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказишлари шарт.

"ЭЛЕКТР ҲИСОБ"

Ҳисоблагичлар такомиллашган, яъни жуда "ақлли". Унда хонадон ёки корхонага қанча миқдорда электр етказиб берилаётгани аниқ акс этиб туради. Буни абонентнинг ўзи ҳам интернет орқали кузатиши мумкин. Бунда абонент мобиль телефонини "Электрҳисоб" дастурига бириктириб, "Ўзбекэнерго" сайти орқали шахсий кабинетга кириш, ўз ҳисобини ва тўловлари мониторингини олиб бориш, сўровлар юбориш ҳамда мобиль телефон рақамига тўловлар ва қарздорлик бўйича қисқа хабарларни қабул қилиши мумкин. Бунда тўловлар, ҳисоблагич кўрсаткичлари, ҳисоб-китоб тарихи, ҳисоблар тўғрисида маълумотларни реал вақт режимида кўриши ва пломбалаш, электр ҳисоблагични алмаштиришга ариза бериши мумкин.

ONLINE РЕЖИМИДА ТЎЛОВ

Айни вақтда "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятида тўловларни online режимида қабул қилиш жорий этилган. Бу билан ҳисоб рақами, исм-фамилияси, яшаш манзили, охирги тўлов, қарздорлик ҳақидаги маълумотлар орқали истеъмолчининг ҳисоб рақамига тўловлар келиб тушиши таъминланмоқда. Бу истеъмолчини ортиқча оворагарчиликдан халос этади. Электр энергияси учун аввалдан амалга оширилган тўлов миқдори тўғрисида СМС хабар орқали истеъмолчининг мобиль телефонига 3 кун аввал огоҳлантириш юборилади.

"Ўздавэнергоназорат" маълумотларига кўра, эски турдаги электр энергияси ҳисоблагичларининг бир қатор камчиликлари бор. Булар:

- ушбу ҳисоблагичларнинг аниқлик синфи пастлиги;
- ҳисоблагичларнинг тузилиши механик қисмлардан иборат бўлиб, уларнинг емирилиши оқибатида, электр энергиясини ҳисобга олишда катта хатоликлар келтириб чиқаради;
- уларнинг кўрсаткичларига ташқи омиллар таъсирида ўзгартиришлар киритиш мумкинлиги.

Янгиси қандай афзалликка эга?

- юқори даражадаги аниқлик синфи мавжудлиги;
- электр энергиясини ҳисобга олиш статик усулда, яъни электрон импульслар орқали амалга оширилиши;
- ташқи омиллар орқали ҳисобга олинган энергия ҳажмига ўзгартиришлар киритиб бўлмаслиги;
- ягона автоматлаштирилган энергияни ҳисобга олиш тизимига улаш имконияти мавжудлиги.

Электр-энергиясини назорат қилиш ва ҳисоблашнинг автоматлаштирилган тизими алоқани таъминлаш, тўламайдиганларнинг ҳисоблагичларини ўчириб қўйиш ва тўлов тушиши билан тезкор равишда уларни ёқиш тўғрисидаги ахборотни узатиш имконини беради.

У.АДИЗОВА
тайёрлади

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, БОЛА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРИ ЭНЕРГИЯСИНИНГ 25 ФОИЗИНИ ДАРС ЖАРАЁНИДА САРФЛАР ЭКАН.

МАКТАБ ОШХОНАСИ

фарзандингизга маъқулми, сизга-чи?

Бугун мамлакатимизда келажак авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг маънан ва жисмонан соғлом, баркамол бўлиб вояга етишида тўғри овқатланиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бугунги кунда мактаб ошхонаси ва буфетлари фаолияти талаб даражасидами?

Айрим оналар ҳар тонг алоҳида егулик тайёрлаб, мактабга кетаётган фарзандлари қўлига тутқазади. Кўпчилигимиз эса мактаб ошхонасидан егани ул бул сотиб оларсан, деб болаларимизга пул берамиз. Бизга шуниси қулайроқ.

Ўқувчи кўп вақтини мактабда ўтказади. Шу боис у тетиклаштирувчи ва қувват бўлувчи таомларни, маҳсулотларни истеъмол қилиши зарур. Яъни, дарс жараёнида тез толиқишини ҳисобга олган ҳолда, организмини зарур озуқа ва микроэлементлар билан бойитиши даркор. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бола истеъмол қилган маҳсулотлари энергиясининг 25 фоизини дарс жараёнида сарфлар экан.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августда қабул қилинган «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шаҳримиздаги таълим масканларида мактаб ошхонаси ва буфетлар фаолиятини самарали йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилган, – дейди биз билан суҳбатда Нукус шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахассиси Жўлдасбой Қўсбергенов. – Инвестиция дастурига кўра Нукус шаҳридаги кўплаб таълим муассасаларининг ошхона ва буфетлари замонавий кўринишга эга бўлди. Моддий-техник базаси янада такомиллаштирилди. Бунга шаҳримиздаги 1-, 36-, 37-мактабларни мисол келтириш мумкин. Мазкур мактаб буфетларида санитария-гигиена ҳолатлари талаб даражасида. Овқат рационига тўлиқ амал қилинади. Ўқувчилар сифатли ва калорияли маҳсулотларни истеъмол қилиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Келажагимиз эгаларининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайишни таъминлаш, уларда тўғри овқатланиш маданиятини шакллантириш мақсадида бугун мактабларда инсон организми учун зарарли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча берувчи "Саломатлик сабоқлари", "Соғлом авлод асослари" каби дарслар ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг тегишли қарорига мувофиқ умумтаълим муассасалари ошхоналарида болалар саломатлиги учун хавф туғдирувчи гамбургер, чизбургер, хот-дог, сосиска ва колбаса маҳсулотлари, чипслар, "кириешки", "хрустяшки"лар, газланган салқин ичимликлар, қиздирилган ёғда тайёрланган хамирли маҳсулотлар, соуслар, кетчупли ва майонезли маҳсулотлар, сақичлар сотилиши тақиқланади.

Бироқ Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги ҳамма мактабларда ҳам ошхона ва буфетлар фаолияти йўлга қўйилган деб бўлмайди. Мавжудлари ҳам талаб даражасида эмас. Айримларида эса сотилиши тақиқланган маҳсулотлар ҳали-ҳамон савдода. Қолаверса, мактаб ошхонаси, буфети бўлса ҳам муассаса атрофида ўз "бизнеси"ни йўлга қўйган айрим "тадбиркор"лар болаларни сифатсиз маҳсулотлари билан чалғитмоқда.

– Набирам туманимиздаги 60-мактабда ўқийди. Унга бирон нима олиб ерсан, деб баъзида пул бериб тураман. Аммо набирам буфетдан кўра мактаб яқинида жойлашган бозорчадан нарса сотиб олишни яхши кўради. Унга мактаб ошхонасидаги маҳсулотлар сифатли ва арзон, табиий шароитда тайёрланганини тушунтиришга ҳаракат қиламан, – дейди хўжайлилик Санобар Мадаминова.

Боланинг соғлом овқатланишини ташкил этиш, аввало, ота-она зиммасида. Мактабга отланаётган фарзандингизга ўзингиз бирон бир егулик тайёрлаб беришни эпломасангиз, ҳеч бўлмаганда қўлига пул тутқазишдан аввал унга мактаб ошхонаси борлигини (агар бор бўлса албатта) эслатиб қўйинг.

Феруза НУРИЛЛАЕВА

ОНАМГА БИР ҚУЧОҚ ГУЛ ОЛАРДИМ...

Университет таҳсилини тамомлаб эндигина иш бошлаган йилим эди. Ҳаяжон билан бешинчи синфларга дарсга кирдим. Биринчи дарсимни қизиқарли ўтиш учун доскага инглиз тилида "Бир куни бадавлат бўлсам онамга .... совға қиламан" деган жумлани ёздим-да, ўқувчиларга юзландим:

– Болалар, сиз доскага ёзилган гапдаги нуқталар ўрнига ўзингиз хоҳлаган сўзни қўйиб, гапни тўлдиринг. Тушунарлими? - дедим.

Ўқувчиларга ушбу гап ёзилган карточкаларни тарқатдим. Синф сув қуйгандек жим-жит эди. Болалар доскага кўз тикиб хаёлга берилар эди. Беш дақиқадан сўнг парта оралаб, тарқатган қоғозларимни йиғдим ва бирма-бир ўқий бошладим. Онасига қаср совға қилишни, машина олиб беришни, ҳаж зиёратига олиб боришни орзу қиларкан менинг жажжи дўстларим. Уларнинг орзуларини ошкор қилганим сари синфда беғубор кулгу кўтарилар, тийнати покиза болажонларнинг шаффоф ниятидан кўнглимга нур инарди гўё. Сўнгги варақдаги ёзувни ўқидим. "If I were rich, I would buy flowers for my mom".

Бу гапнинг эгаси синфга шу йили янги келган, ҳеч ким билан очилиб гаплашмайдиган, маъюсгина болакай эди.

– Орамизда романтик дўстларимиз ҳам бор экан-ку, – дедим. – Сардор, ўрнингдан туриб ўртоқларингга нима ёзилганини тушунтирасанми?

– Бир куни бойиб кетсам, онамга жуда кўп гуллар совға қиламан, деб ёзилган устоз... – Сардорнинг овози маҳзун, лекин қатъият билан чиқди.

– Мен бадавлат бўлсангиз, дегандим. Яъни, ўзингизни бадавлат дея тасаввур қилиб, сўнг ёзинг деган эдим. Сен эса гул олардим дебсан. Буни бадавлат бўлмаган одам ҳам қила олади-ку. Гул олардим, деганингнинг ўзига хос сабаби бордирда-а? – дея сўрадим.

У бир оз жим турди-да:

–Хаёлимга бошқа нарса келмади-да, устоз! – деди оҳиста. Чехрасида гуноҳкорона табассум ва қайғу қоришиқ ифода зоҳир эди.

–Тушунтирдим-ку ахир, Сардоржон? Хаёлингга бирор нима келиши учун яна нима қилишим керак эди? – Майли, ўтир.

Дарс якунланганини билдириб қўнғироқ чалинди. Болалар уяси тўзғиган арилардек ташқарига отилди.

Эртаси куни мактабга келсам, Сардорнинг отаси мени кутаётган экан. Қўлида кеча Сардорнинг орзуси ёзилган қоғозга кўзим тушди. Ўтириб бироз гаплашдик. Сўнг у кетди. Оёғимни зўрға босиб ўқитувчилар хонасига кирдим. Бошим айланарди. Ич-ичимдан ўкрикка ўхшаган нарса тўлиқиб келар, нафасим тиқилиб, бўғзимга нимадир портлашга шай тургандек эди. Мен қоғоздаги кичик бўшлиқни гул билан тўлдирган Сардорнинг ҳаётидаги улкан бўшлиқни ҳам гул билан тўлдиришга уринаётганини англадим. Уч ой аввал бахтсиз ҳодиса туфайли онасидан айрилган болакай ҳар жума куни отаси билан онасининг қабрини зиёрат қилишни канда қилмаслигини ва ўзи билан онаси ёқтирган гулларни олиб боришини билдим. Кеча тунда отаси эшитмаслиги учун юзини ёстиққа босиб тонггача йиғлаганини эшитдим. Англадимки, фақатгина университет дипломи билан устозликни ўрганиб бўлмас экан...

Умида

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги 92 таълим масканида билим олаётган 37000 нафарга яқин ўқувчига 3500 устоз-мураббий фан сирларини ўргатиб келмоқда. Ҳар бир ўқитувчининг таълим жараёнига ижодий ёндашуви, ўқитилаётган фанга ижобий муносабати таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширмоқда. Ўқитувчи ва мураббийларни ижтимоий ҳимоя қилишда тармоқ касаба уюшма қўмитасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман Кенгаши самарали фаолият олиб бораётган соҳа ходимларини 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклайди. Келажагимиз эгаларига таълим-тарбия бериш йўлидаги ишларига муваффақиятлар тилайди.

Оила ва Жамият

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Бош муҳаррир: Воҳид Лукмонов

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 936. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3923. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Бош навбатчи: Б. Исмоилов
Навбатчи: Ш. Мўминова
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

12345

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.